

БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ – УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Кулибоев Азамат Шоназарович

Тошкент молия институти доценти, PhD.
Тошкент, Ўзбекистон. *e-mail:* kuliboyev_azamat@tfi.uz

Аннотация: Бугунги кунда бюджет тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида бюджет назоратини замонавий талаблар асосида ташкил этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақолада бюджет назоратини ташкил қилишнинг назарий – услугубий асослари баён қилинган. Бюджет назоратининг мақсади, асосий вазифалари, элементлари ва обьекти илмий жиҳатдан асослаб берилган. Бюджет назоратини ташкил этишда норматив – ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш даражалари услугубий жиҳатдан кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: аудит, бюджет, бюджет жараёни, бюджет интизоми, бюджет назорати, давлат молияси, молиявий назорат, назорат.

КИРИШ

Давлат бюджети давлат молияси тизимида асосий ўринни эгаллади. Иқтисодиёт ривожланишини турли босқичларида бюджет давлат сиёсатини амалга ошириш қуроли, режалаштирилган йиллик дастурлар ва тадбирларни амалга ошириш учун пул маблағларининг асосий манбаи ҳисобланади. Давлат бюджети мамлакатдаги кундалик ҳал қилиниши зарур бўлган масалаларни ҳам, ривожланиш истиқболлари вазифаларини бажаришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Давлат бюджетининг инқирозли ҳолатининг олдини олиш ва бюджетлараро муносабатларнинг оптимал моделини излашнинг узоқ давом этиши кўринишида мамлакатимиздаги молиявий назорат тизимини тўғри ташкил этиш муаммоси намоён бўлмоқда. Бу давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилишнинг энг муҳим стратегик вазифаларидан бирига айланади, уни ҳал қилмасдан давлат бюджетини инқирозли ҳолатининг олдини олиб бўлмайди ва давлатни янада самарали ривожлантириш мумкин эмас. Молиявий соҳада тўғри тартиб ўрантилмагунча, давлат бюджети назорати тизимига ишонч ортмагунча, мамлакатда ечимини кутаётган асосий ижтимоий – иқтисодий муаммоларнинг ҳеч бири ҳал этилмайди.

Молиявий назорат тузилмасидаги энг муҳим таркибий қисмлардан бири бюджет назорати ҳисобланади ва у молиявий назоратга хос хусусиятларга эга. Бюджет назорати давлат бошқарувининг энг муҳим функцияси бўлиб, ҳар қандай давлатда иқтисодий тизимни самарали фаолият юритишининг зарурый шартидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот мавзуси доирасида маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Маҳаллий олимлардан А.Ибрагимов, Б.Ҳамдамов, А.Остонокулов, Б.Турабов ва Б.Сугирбаевлар бюджет назорати бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Б.Турабов томонидан бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш масалалари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бюджет тизими ва бюджет жараёнида юзага келадиган барча босқичларда бюджет тизимининг асосий тамойилларига, бюджет тизими тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларга, йўриқнома ва тартибларга амал қилиниши бюджет интизоми тушунчасини белгилаши олим томонидан илмий жиҳатдан асослаб берилган [Турабов Б.Т., 2007].

А.Ибрагимов ва Б.Сугирбаевларнинг тадқиқот ишларида бюджет назорати ва аудитини ташкил қилиш асослари ўрганилган бўлиб, бюджет назорати ва аудитини ҳам ташкилий, ҳам назарий жиҳатлари ёритиб берилган. Шунингдек, олимлар томонидан давлат секторида назорат ва аудит бўйича халқаро стандартларнинг қўлланилишига алоҳида эътибор берилган [Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б., 2010].

Б.Ҳамдамов ва А.Остонокуловларнинг тадқиқотларида Давлат бюджети ижросини амалга оширишда бюджет назоратининг ўрни, аҳамияти, назорат шакллари, турлари, усуллари ҳамда бюджет назорати фаолиятини режалаштириш ва уларни ўтказишнинг хусусиятларига эътибор қаратилган. Бюджет ташкилотлари, Молия органлари ва Газначилик бўлинмаларида бюджет назоратини ташкил этиш, ўтказиш тартиби ҳамда назорат ва тафтиш натижаларини умумлаштириш ва амалга ошириш масалалари назарий жиҳатдан амалдаги ҳолат билан боғлиқ ҳолда асослаб берилган [Ҳамдамов Б.К., Остонокулов А.А., 2018].

Бюджет назоратини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари хорижлик олим С.Зубакиннинг илмий тадқиқотларида батафсил ёритилган. Назорат фаолиятининг асосий тамойиллари ва далилларини олиш, назорат тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатига биноан текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш хусусиятлари ҳамда назорат тадбирлари материалларини сақлаш масалалари кўрсатилган [Зубакин С.И., 2010].

О.Макоевнинг тадқиқот ишларида назорат ва тафтиш масалалари асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун олим томонидан иқтисодиётни бошқаришда молиявий – иқтисодий назоратнинг роли ва аҳамияти, назорат шакллари ва усуллари, турлари, молия – хўжалик фаолияти ҳамда бюджет муассасаларини тафтиш қилишнинг назарий жиҳатдан ёритиб берилган [Макоев О.С., 2012].

А.Измоденов томонидан олиб борилган илмий изланишларда Давлат бошқаруви тизимида назорат, бюджет назоратининг шакллари ва усуллари, бюджет аудити, бюджет назорати органлари томонидан назорат тадбирларини ўтказиш ва бюджет назоратининг натижадорлиги илмий – амалий жиҳатдан асослаб берилган [Измоденов А.К., 2014].

НАТИЖАЛАР

Хозирги вақтда бюджет назоратини амалга ошириш катта аҳамиятга эга, чунки бюджет соҳасини ислоҳ қилиш ва тегишли бюджет қонунчилигини такомиллаштириш амалга оширилмоқда. Ўрта муддатли молиявий режалаштиришга ўтишда бюджетни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби ўзгармоқда. Бунда бюджет назоратининг асосий мақсади давлат ва маҳаллий бюджетларнинг бюджет жараёнининг барча босқичларида қонун хужжатларига риоя қилган ҳолда ўз функциялари ва вазифаларини бажариш ҳисобланади.

Бюджет назорати нафақат бюджет жараёнининг барча босқичларида қонун хужжатларига риоя этилишига, балки давлат ва бюджет ташкилотлари томонидан бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлаш, улардан мақсадли фойдаланиш тартибига ҳам қаратилган.

Бюджет назорати органларининг таркиби ва тузилиши мамлакатнинг давлат тузилмаси, уни ривожланишининг муайян босқичида давлат томонидан ҳал қилинадиган функция ва вазифалар билан белгиланади.

Бюджет назорати ҳам давлат молиявий назорат органлари бўлган Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Бюджет назорати давлат молиявий назоратининг ажралмас қисми бўлиб, давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан мамлакатнинг пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳаракатларнинг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини текшириш, бюджет даромадларини ошириш учун захираларни аниқлаш ва бюджет интизомини яхшилаш бўйича кўриладиган чора – тадбирлар мажмуи сифатида қаралади.

Давлат секторида молиявий назоратнинг мақсади давлат ва бюджет ташкилотларининг бажарадиган функциялари ва вазифаларини самарали амалга ошириши учун бюджет жараёнининг барча босқичларида қонун хужжатларига риоя қилишдан иборат. Бюджет назоратининг асосий вазифаси бюджет жараёнининг барча босқичларида қатъий қонунчиликка амал қилаётганлигини назорат қилишдан иборат. Бюджет назорати бюджет даромадлари ва харажатларини шакллантириш учун маъсул бўлган вазирлик ва идораларга, шунингдек, бюджет маблағлари билан таъминланадиган бюджет ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг бошқарув ходимларига таълуқли.

Амалдаги бюджет қонунчилигига мувофиқ бюджет назоратининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат (1 – расм).

Бюджет назоратининг асосий вазифалари

- бюджетнинг тўғри тузилиши ва ижро этилишини таъминлаш
- солиқ ва бюджет қонунчилигига риоя қилиш
- бюджет ҳисоби ва ҳисботининг тўғрилигини назорат қилиш
- бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг самарадорлиги ва мақсадли сарфланишини текшириш
- бюджет ва солиқ интизомини такомиллаштириш
- турли даражадаги бюджетларнинг даромад базасини ўсиш захираларини аниқлаш
- бюджетлараро муносабатлар жараёнини назорат қилиш
- банкларда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғарма маблағларнинг муомаласини текшириш
- ҳудудларни молиявий қўллаб - кувватлаш учун мақсадли бюджет маблағларини шакллантириш ва тақсимлашни назорат қилиш
- давлат субсидиялари, субвенциялари, трансферлари ва бошқа ёрдамларни бериш бўйича ноқонуний ҳатти - ҳаракатларга чек қўйиш
- исрофгарчиллик ва молиявий систеъмолликни аниқлаш, айбор шахсларга қонуний жазо чораларини кўриш
- бюджет интизомини яхшилаш мақсадида профилактика ва ахборот - тушунтириш ишларини олиб бориш

1 – расм. Бюджет назоратининг асосий вазифалари¹

Бюджет назоратининг асосий вазифаларидан кўриниб турибдики, бюджет назорати солиқ ҳисоб – китоблари ва декларацияларнинг тўғрилигини текширишда хусусий секторга ҳам таълуқли экан. Чунки, давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлар ва мажбурий тўловлардан шаклланади.

Бинобарин, бюджет назоратининг обьекти нафақат бюджет – солиқ соҳаси ва бюджет жараёни, балки бозор муносабатлари субъектлари молия – хўжалик фаолиятининг бутун жараёни ҳисобланади. Бу давлат назорати ва бошқарувининг энг муҳим элементи сифатида бюджет назоратининг роли ва аҳамиятини белгилайди.

Бошқача қилиб айтганда, бюджет назоратининг обьекти – давлат функцияларини бажариш учун ялпи ички маҳсулотни ҳудудий, ижтимоий ва тармоқ соҳаларига тақсимлаш бўйича давлат, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида юзага келадиган пул муносабатлари ҳисобланади.

Бюджет назорати бир бутун тизим сифатида қўйидаги элементлардан ташкил топади (2 – расм).

¹Муаллиф томонидан илмий тадқиқот олиб бориш натижасида тузилган



2 – расм. Бюджет назорати элементлари²

Назорат тизимининг ушбу элементларини жамланиши бюджет назорати механизмини ташкил этади. Амалга оширилаётган назорат ва аудиторлик фаолиятининг самарадорлиги назоратнинг субъектлари, объектлари, жараёни ва усуллари каби назоратнинг энг муҳим элементларига боғлик. Шубҳасиз, булярнинг барчаси аниқ далилларга асосланиб, норматив – меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиниши керак.

МУҲОКАМА

Бюджет ижроси жараёни ҳақидаги ахборотлар бюджет ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш орқали шакллантирилади. Бунда бюджет таснифи бўйича давлат бюджети даромадлари шакллантирилади ва харажатлари амалга оширилади. Бюджет ижросини тўғри ташкил этиш, бюджет интизомига риоя этиш ва назорат функциясини амалга ошириш бюджет ҳисобининг алоҳида хусусиятини белгилаб беради. Назорат функцияси орқали бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли фойдаланиш, мулкларни сақланиши ва тайинланиши бўйича сарфланиш тизими йўлга қўйилади.

Хозирги кунда давлат бюджетининг шаклланиши ва сарфланишини назорат қилиш бўйича норматив–хуқукий ҳужжатлар базаси шакллантирилган бўлиб, мазкур ҳужжатлар бозор иқтисодиёти талаблари, жаҳон ва миллий иқтисодиётимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиликлар асосида такомиллаштирилиб бормоқда.

Мамлакатимизда бюджет назоратини ташкил этишнинг норматив – хуқукий асосларини услубий жиҳатдан ёритища, бевосита ҳисоб жараёнини ташкил этиш билан боғлик бўлган тўрт даражага бўлиш мумкин (3 – расм).

²Муаллиф томонидан илмий тадқиқот олиб бориш натижасида тузилган



3 – расм. Бюджет назоратини ташкил этишда норматив – ҳуқуқий хужжатларнинг даражалари³

Бюджет назоратини ташкил этишнинг амалдаги ҳолатида биринчи навбатда, унинг ҳуқуқий жихатига эътибор берилади. Назорат ишларини режалаштириш, ташкил этиш, олиб бориш, хужжатлаштириш, натижаларини умумлаштиришда эса услубий хужжатларга, яъни соҳага оид йўриқномалар ва низомларга асосланади. Ташкилотлар ва уларнинг бухгалтерия хизмати раҳбарлари, марказлаштирилган бухгалтерияда бош ҳисобчилар ҳисоб ва ҳисбот ишларининг тўлиқ ва ҳақиқийлигига, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тузилган харажатлар сметасининг ижро этилишини ўз вақтида назорат қилишга масъул ва жавобгар ҳисобланади. Шуни эътиборга олган ҳолда ташкилотларда ички назорат тизими тўғри йўлга қўйилиши керак.

Шунингдек, бюджет назоратини амалга оширувчи ваколатли органлар ва мансабдор шахслар ҳам амалдаги норматив – ҳуқуқий хужжатлар талабларига ва меъёрларига амал қилишлари шарт.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш ҳолатлари тез – тез учрамоқда. Молия йилида бюджет ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича белгиланган тартибга риоя этмасдан тўловлар амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида бюджет назоратини ҳам илмий жиҳатдан, ҳам услубий жиҳатдан тўғри ташкил этишни тақозо қиласди.

Шуларни инобатга олган ҳолда, бизнингча бюджет назоратини ташкил килишда қуийдагиларга эътибор бериш керак деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, назоратни амалга оширишдан олдин назорат тадбирининг режасини тузиб олиш керак;

иккинчидан, бюджет назорати амалга оширадиган тармоқлар ёки соҳалар бўйича норматив – ҳуқуқий хужжатлар билан танишиб чиқиш зарур;

³Муаллиф томонидан илмий тадқиқот олиб бориш натижасида тузилган

учинчидан, назорат объектининг фаолият йўналишларини тўлиқ ўрганиб, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

тўртингчидан, бюджет ва смета – штат интизомларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида назоратчилар томонидан профилактика ва ахборот – тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Зубакин С.И. (2010). *Бюджетный контроль*. –М.: Издательство «Дело» АНХ, – 400 с.
2. Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б. (2010). *Бюджет назорати ва аудити*. – Т.: “infoCOM.uz”, – 192 б.
3. Измоденов А.К. (2014). *Бюджетный контроль*. – Екатеринбург.: Изд-во Урал. гос. экон. ун-т, – 282 с.
4. Kuliboyev A.Sh. Methodological issues of formation of accounting policy in medical institutions // International scientific journal of finance and accounting. №4, August, 2017 <https://www.interfinance.uz/en/arxiv/231-ikki-4hh-2>.
5. Kuliboyev Azamat Shonazarovich, 2022. Organization of management accounting in public medical institutions. International Journal of Research in Business Management. Vol. 10, Issue 5, May 2022, 1–8.
6. Kuliboyev A.Sh. «Management accounting system in state medical institutions and its organizational aspects». //International conference on Developments in Education. Toronto, Canada. August 29th 2022. -Pp. 56-60.
7. Kuliboyev Azamat Shonazarovich, 2023. Improvement of accounting in state medical institutions. // Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities 2023. Conference Proceedings Volume 2, Issue 5, May 2023. www.econferenceseries.com
8. Турабов Б.Т. Бюджетдан молиялашириладиган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш масалалари. и.ф.н. дисс. автореферати. – Т.: ЎзРБМА., 2007, — 28 б.
9. Hamdamov B.K., Ostonokulov A.A. (2018). Byudjet nazorati. O'quv qo'llanma. – Т.: “Iqtisod – Moliya”, – 318 b.